

Апелляция инстанциясида  
маърузачи: судья

Биринчи инстанция судининг  
судьяси:

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ СУДИ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2020 йил июль ойининг куни, жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раиси ўринбосари, судлов ҳайъати судьялари иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи жабрланувчининг вакили иштирокида, жиноят ишлари бўйича туман судининг 2020 йил 19 июндаги ҳукмига кўра,

, йил ноябрда вилояти туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 7 нафар фарзанди бор, ҳеч қаерда ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 12 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов белгиланган, жиноят ишлари бўйича туман судининг 2014 йил 28 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган, тумани “”, иш бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланганга,

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан жабрланувчининг вакили томонидан берилган шикоятга асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2020 йил 19 июнь кунги ҳукмига кўра, айбловига дастлабки тергов органи томонидан қўйилган 2018 йил апрель ойида, такроран, машинасининг аравасини тузатиб, 700.000 сўм пулларини бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган”лик эпизоди, 2018 йил 9 апрель куни, такроран, қарзи бўлмаса-да, алдов йўли билан 75.000.000 сўм қарзлиги тўғрисида нотариал идорадан қарз шартномаси тузиб, “Чўпон уйи ва молхона (қўра) биносини қўлга киритган”лик эпизоди, 2019 йил март



ойида, такроран, [REDACTED] 25 бош қўйини укаси [REDACTED] илтимосига асосан, 2000 АҚШ долларига баҳолаб, алдов йўли билан қўлга киритган”лик эпизоди бўйича унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан оқланган, унга ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми (эски таҳрирдаги) ва 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг эски таҳрирдаги 168-моддаси 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазо тайинланмаган, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят иши бўйича етказилган зарарни қоплаш учун [REDACTED] вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 54.040.000 сўм жабрланувчи [REDACTED] қайтарилиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2014 йил ёз ойларида [REDACTED] тумани, [REDACTED] қишлоғида [REDACTED] ишончига кириб, унга [REDACTED] вилоятдан беш кун ичида, бир бошини 240.000 сўмдан 100 бош совлиқ қўй олиб келиб беришни ваъда қилиб, 24.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, жиноятни қасддан содир қилган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] ҳамқишлоғи [REDACTED] 2014 йил февраль ойида [REDACTED] шаҳар, 3-қизил тамға кўчаси, 7-уйда яшовчи [REDACTED] ва [REDACTED] билан ўзаро оғзаки келишувга кўра, уларнинг чорва молларини 2014-2018 йиллар давомида боқиб, 2018 йил 4 апрель куни [REDACTED] чорва молларини олиб кетмоқчи бўлганида, [REDACTED] боқувидаги 14 бош отларни кўрадан чиқариб олиб кетган. Аниқланган камомад бўйича [REDACTED] нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, 2018 йил октябрь ойида тергов ҳаракатлари ўтказилаётганида [REDACTED] унга [REDACTED] кўрасидан олиб кетган 14 бош отларнинг пулини [REDACTED] беришини айтганида, у [REDACTED] “менда пул йўқ, сен мени ҳисобимдан 4000 АҚШ доллари бериб тур, мен сенга 4000 АҚШ долларини ёки 40 бош қўй олиб бераман”-деб уни ишонтириб, [REDACTED] 33.280.000 сўмга тенг анча миқдордаги 4000 АҚШ (1 АҚШ доллари миллий валютада 8320 сўм) долларини бердириб, шу орқали [REDACTED] бўлган қарзидан қутулишига эришиб, кейинчалик унинг ишончини суиистеъмол қилиб, 4000 АҚШ доллари ёки 40 бош қўйларни бермасдан, жиноятни қасддан содир этган.

[REDACTED] шикоятда, [REDACTED] жиноят содир қилганлиги ҳолати тўлиқ текширилмаганлиги, укаси [REDACTED] қарзи бўлсада, [REDACTED] томонидан [REDACTED] пул ва қўйларининг нима учун берилганлигига аниқлик киритилмаганлиги, ушбу ҳолатларга



аниқлик киритиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш бериш лозимлиги ҳақида важлар келтириб, қонуний чора кўришни сўраган.

Жабрланувчи [REDACTED] эътирозномасида, судланувчи З [REDACTED] шикоятига эътирози йўқлигини маълум қилган.

Судлов ҳайъати вилоят суди судьяси [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, жабрланувчининг вакили [REDACTED] суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED] айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] гувоҳлар [REDACTED]

[REDACTED] кўрсатувлари, аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлиги, пушаймонлигини, етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат, ғараз ниятда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини, илгари судланган бўлсада, судланганлик ҳолати тугалланганини, вояга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган зарар қопланганини инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, қонуний хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди иш бўйича етказилган зарарларнинг қопланганлигини эътибога олишда, дастлабки тергов органи томонидан кўйилган 2018 йил апрель ойида, такроран, [REDACTED] машинасининг



